

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ЖАҲОН БОЗОРИГА ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВИНИНГ АСОСИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Зокир Рустамович СОДИКОВ

Доцент

иқтисод фанлари номзоди
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада миллий иқтисодиётнинг жаҳон бозорига интеграциялашувининг асосий жиҳатлари ва уни таъминловчи шарт-шароитлар, жараённинг ривожланиш тенденциялари ва омиллари таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: миллий иқтисодиёт, халқаро бозор, иқтисодиёт, жаҳон бозори, глобал иқтисодиёт, жаҳон иқтисодиёти, интеграция, экспорт, импорт, ташқи савдо, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар.

ОСНОВНЫЕ АСПЕКТЫ ИНТЕГРАЦИИ НАЦИОНАЛЬНОЙ ЭКОНОМИКИ В МИРОВОЙ РЫНОК

Зокир Рустамович СОДИКОВ

Доцент

кандидат экономических наук
Международная исламская академия Узбекистана
Ташкент, Узбекистан

Аннотация

В статье анализируются основные аспекты интеграции национальной экономики в мировой рынок и условия, ее обеспечивающие, тенденции развития и факторы процесса.

Ключевые слова: национальная экономика, международный рынок, экономика, мировой рынок, глобальная экономика, мировая экономика, интеграция, экспорт, импорт, внешняя торговля, внешнеэкономические связи, иностранные инвестиции.

Жаҳонда глобаллашув авж олиб бораётган даврда мамлакатда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, инвестиция муҳитини мунтазам равишда такомиллаштириб бориш, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш, корхоналарда корпоратив бошқарувнинг замонавий стандарт ва усулларини жорий этиш орқали акциядорларнинг ролини кучайтириш ташқи бозор билан алоқаларни ривожлантиришга замин ҳозирлайди. Зеро мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш, аҳоли турмуш даражаси ва даромадларини

ошириш учун мавжуд табиий, минерал-хомашё, саноат, қишлоқ хўжалиги, туристик ва меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишга омил бўлади. Шу боис миллий иқтисодиётнинг барча жабҳаларини модернизация ва диверсификация қилиш кўламини кенгайтириш, ривожланиш даражаси нисбатан паст бўлган тармоқ ва ҳудудларнинг саноат ва экспорт салоҳиятини ошириш орқали тараққиётни жадаллаштиришга ҳаракат қилиш керак. Шунингдек, саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларини жадал ривожлантириш, ишлаб чиқариш объектларини жойлаштиришга қулай шарт-шароитлар яратиш, хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш ҳамда аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш мақсадида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма тармоқларини мунтазам ривожлантириш талаб этилади. Бу эса миллий иқтисодиётнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграция бўлиши ва глобал тизим билан ҳамжиҳатликда ривожланиши зарурий эканлигини кўрсатади.

Миллий хўжаликнинг халқаро бозорга интеграциялашуви иқтисодий афзаллик ва манфаатлар таъсирида келиб чиқади. Жаҳон бозорига интеграция бўлиш жараёни миллий хўжаликлар ўртасидаги алоқаларнинг ривожланган ва такомиллашган босқичи бўлиб, унда мамлакат иқтисодиётларининг барча тармоқ ва соҳаларининг ўзаро бирлашиб, яхлитланиб бориши кузатилади. Шу боис иқтисодий интеграция жараёни фақат назарий масала бўлмасдан, иқтисодий кўрсаткичлар асосида намоён бўладиган амалий воқелик ҳисобланади. Иқтисодий интеграция даражасини миллий бозор кўрсаткичларининг ташқи бозорга боғлиқлик нисбати кўрсатиб беради. Ҳар қандай мамлакатда ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши экспорт салоҳиятининг кенгайишига ва миллий даромадни кўпайтириб, импорт товарларга талабнинг ўсишига сезиларли таъсир кўрсатади. Натижада бу жараён миллий иқтисодиётнинг халқаро иқтисодий тизимга чуқурроқ кириб боришини ва интеграция бўлишини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Миллий бозорнинг жаҳон иқтисодиётига интеграция даражасини ялпи ички маҳсулот ва саноат ишлаб чиқаришига нисбатан ташқи савдо ҳажми, экспорт ва импорт, унинг товар ва хизматлар таркиби ифодалайди. Шунингдек, жами

инвестицияда хорижий инвестициянинг улуши, ишлаб чиқаришда хорижий инвестицияларнинг ўрни, бандликнинг ташқи бозорга боғлиқлик даражаси ва бошқа кўрсаткичлар акс эттиради. Мамлакат иқтисодиётининг ташқи бозорга интеграциялашув жараёни чуқурлашуви билан унинг жаҳон бозорига боғлиқлик даражаси ортиб боради ва у кўрсаткичлар вазиятнинг кўламини ифодалайди. Миллий ишлаб чиқаришнинг жаҳон бозорига интеграция бўлишини ялпи ички маҳсулот ва саноат ишлаб чиқаришида ташқи бозорнинг ўрни, хорижий инвестициянинг жами инвестицияга нисбати ва унинг миллий бандликни таъминлашдаги улуши каби кўрсаткичлар белгилаб беради. Маҳаллий бозорнинг жаҳон хўжалигига интеграциясини ташқи савдо айланмаси, экспорт ва импортнинг ялпи ички маҳсулот ва саноат ишлаб чиқаришига нисбати кўрсатади. Айнан шунинг учун жаҳонда товар ва хизматлар ортиқча таклиф қилинган бозорлардан талаб кучли мамлакатлар томон оқиб боради. Натижада халқаро миқёсда миллий бозорларнинг ўзаро ва ҳар томонлама интеграциялашуви вужудга келади.

Зеро, миллий нархлардаги тафовутлар мамлакатлар бозорларининг жаҳон бозорига интеграция бўлишини рағбатлантиради. Шу боис миллий бозорлари интеграциялашган давлатларда мутаносиб нархлар ёки нарх нисбати шаклланади. Бу вазиятнинг келиб чиқишини ягона валюта бирлигидан фойдаланувчи мамлакатлар тажрибаси асосида кўриш мумкин. Ушбу мамлакатлардан бирортасида нарх ўзгарса, қолганларидаги нархларга ҳам таъсир кўрсатганлигини кузатиш мумкин. Шунингдек, доллардан жаҳондаги савдо операцияларида кенг фойдаланилгани учун АҚШдаги иқтисодий вазият ва долларнинг инфляцияси кўпчилик миллий пулларга тўғридан-тўғри сезиларли таъсир қилиши амалий тажрибаларда исботланган. Эркин иқтисодиёт тизими очик иқтисодиёт асосида барпо этилиши ва ривожлантирилиши маълум. Бу эса миллий бозорнинг жаҳон хўжалигига ёки бошқа мамлакатлар бозорига қўшилиши табиийлиги исботи ҳисобланади. Очик иқтисодиётда миллий даромад мувозанати ялпи талаб билан ялпи таклиф тенглашган нуқтада таъминланиши аниқ. Бунда ялпи талаб икки

қисмга, яъни истеъмол, инвестиция ва давлат харажатлари ички талабни, экспорт билан импорт эса ташқи талабни ифодалайди. Хорижга экспорт, бу мамлакатда ишлаб чиқарилган товар ва хизматларга хорижликларнинг харажати бўлиб, у мамлакатнинг даромадига улуш қўшиш бўлади. Хориждан импорт эса мамлакат фуқароларининг чет эл товар ва хизматларига харажатини ифодалайди. Бунда хорижликларнинг мамлакатдаги даромад оқимига соф таъсири экспорт билан импорт фарқидан келиб чиқади. Ялпи миллий маҳсулотга нисбатан экспорт ҳажмининг ортиши ишлаб чиқариш, импорт ҳажмининг ортиши эса истеъмол бўйича миллий бозорнинг жаҳон хўжалигига интеграция жараёни чуқурлашаётганлигини кўрсатади.

Мамлакатлар иқтисодий интеграцияни ривожлантириш учун ишлаб чиқариш ва экспортни кенгайтириш орқали даромадни кўпайтиришга интилади. Натижада импорт ҳажми ҳам ортади. Чунки импорт билан миллий даромад ўртасида тўғри боғлиқлик мавжуд бўлиб, истеъмол сингари, миллий даромад ошганда импортнинг ҳам кўпайиши кузатилади. Импорт билан миллий даромад ўртасидаги тўғри боғлиқлик импорт функцияси бўлиб, унга ишлаб чиқариш учун ташқи бозор ресурсларига эҳтиёж ва ялпи харажат ёки миллий талабнинг бир қисмининг импортга йўналиши сабаб бўлади. Импорт талабининг даромадга нисбатан эластиклиги ҳам ташқи савдо ҳажмига таъсир кўрсатади. Бу ифода иқтисодий ўсиш билан бирга мамлакатнинг ташқи бозорга боғлиқлигидаги ўзгаришни ҳам кўрсатади. Масалан, миллий даромад муайян фоизга ўсганда, агар импорт ҳам шунга мутаносиб ошадиган бўлса, импорт талабининг даромадга нисбатан эластиклиги бирга тенг ва мамлакатнинг жаҳон бозорига бу йўналишда интеграция даражаси ўзгармаётганлигини кўрсатади. Агар, импортдаги ўсиш миллий даромаддаги ўсишдан катта бўлса, мамлакатнинг ташқи бозорга пассив интеграция даражаси ўсаётганлигини кўрсатади. Айни пайтда мамлакатда импорт ўрнини босувчи соҳа ривожланиб иқтисодий ўсиш импортни камайтирса, жаҳон бозорига интеграция бу йўналишда қисқараётганлигини исботлайди.

Очиқ иқтисодиётда миллий даромаднинг бир қисми ички товар ва хизматларга, бир қисми импорт товар ва хизматларга харажат қилинса, қолгани жамғариб борилади. Шунинг учун бозор муносабатларида маржинал (меъёрий) истеъмол, маржинал (меъёрий) импорт ва маржинал (меъёрий) жамғариш мойилликлари йиғиндиси бирга тенг бўлади. Очиқ иқтисодиётда миллий даромад мувозанати ялпи харажат билан ялпи ишлаб чиқариш тенглашганда таъминланади. Бунда жамғарма билан инвестициянинг фарқи, экспорт билан импорт фарқига боғлиқ бўлади. Айни пайтда мамлакатлар ялпи ички маҳсулотларининг ўзаро боғлиқлиги борасида олиб борилган тадқиқотларда, географик жиҳатдан кўшни ва ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражаси мутаносиб давлатлар ўртасида иқтисодий алоқалар яхши ривожлангани ва у мамлакатлар бозорларининг чуқур интеграция бўлганини исботлаган. Демак, мамлакатлар иқтисодиётларининг интеграция бўлганини ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатидаги мутаносиблик ҳам асослайди.

Жаҳон бозорига миллий иқтисодиётлари тўлиқ ва кенг қўламли интеграциялашган мамлакатларнинг бандлик ва ишсизлик муаммолари борасида олиб борилган тадқиқотларда улар ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжудлиги исботланган. Чунки жаҳон бозорига интеграция бўлган мамлакатлардан бирортасида ишсизлик туфайли талаб ҳажми қисқарса, бу интеграция доирасидаги мамлакатлар экспортининг камайишига олиб келади. Натижада интеграция тизимидаги мамлакатларда ташқи савдонинг қисқариши ишлаб чиқаришнинг пасайишига ва ишсизликнинг ортишига олиб келади. Шунингдек, иқтисодий интеграция жараёнидаги бирор мамлакатда имкониятлар кенгайиб, бандликнинг ошиши, қолган мамлакатлар экспортини рағбатлантириб, ишлаб чиқариш ҳажми ва қиймат яратиш салоҳиятининг кенгайишига туртки бўлади. Айни пайтда миллий иқтисодий жараёнлар мамлакатларнинг қимматли қоғозлар бозори ҳам ўзаро бирлашишини кўрсатади. Хусусан, миллий бозорлари интеграциялашган мамлакатларда жамғармалар энг юқори даромад келтирадиган давлатнинг молия бозорига оқиб боради. Натижада инвестиция ҳаракати эркин ва

чекловлар йўқлиги учун қайси мамлакат молия бозорида фойдалилик коэффициенти юқори бўлса, жамғармалар ўша томонга йўналади ва иқтисодий интеграция тизими доирасидаги мамлакатларда молиявий инструментлардан келадиган даромадлар мутаносиблашади. Айнан, миллий бозорлардаги ўзгаришларнинг халқаро савдо жараёнига таъсири ҳам иқтисодий интеграциянинг натижаси ҳисобланади. Бунда товар ва хизматларнинг ортиқча таклиф қилинган бозордан, талаби етарли даражада қондирилмаган мамлакатлар бозори томон ҳаракати юзага чиқади. Бу жараённинг объектларини товар ва молия ресурслари сифатида алоҳида ажратиш мумкин. Мамлакатдаги соф товар оқими импортнинг экспортга нисбатига боғлиқ бўлади. Жамиятда ортиқча товар талаби реал даромаднинг кўпайиш ҳисобига келиб чиқиши табиий. Демак, жаҳонда мамлакатлар импортнинг кўпайиши, улар миллий даромадининг ошиши, экспорт ҳажмининг ортиши эса қолган миллий иқтисодиётлардаги ривожланиш натижасида содир бўлади. Яъни, халқаро миқёсда миллий бозорларнинг интеграция бўлиши кенгайиб боради. Жаҳонда молиявий ресурсларнинг халқаро ҳаракати валюта ва қимматли қоғозлар кўринишида юзага чиқиб, у глобал миқёсда ҳаракатланиб иқтисодий интеграция натижасида миллий бозорларда номинал даромадларни тенглаштириш тенденциясига эга ҳисобланади. Глобал миқёсда иқтисодиётларнинг интеграция бўлиши молиявий ресурсларни ҳам товар сингари ортиқча таклиф қилинган бозорлардан талаби юқори ва фаол бўлган бозорларга йўналишига олиб келади. Натижада молиявий активларнинг халқаро ҳаракати, уларнинг номинал даромадларини иқтисодий интеграция доирасида мутаносиб бўлишига олиб келади. Бундан ташқари, жаҳон миқёсида чуқур интеграция бўлгани учун амалий жараёнлар валюта бозорларини алоҳида мамлакат томонидан назорат қилиб бўлмаслигини, шунингдек, қимматли қоғозларнинг номинал фоиз ставкасининг мутаносиб бўлишига имконият яратишини кўрсатади. Миллий бозорлар доирасида нархлар нисбати вужудга келгани каби иқтисодий интеграция жараёнида ҳам турли мамлакатлардаги нархлар бўйича

мутаносибликнинг юзага чиқиши табиий жараён ҳисобланади. Шу боис, назарий талқинларда тўлиқ иқтисодий интеграция учун жаҳон бозорида даромад ва фойданинг энг юқори даражага чиқарадиган нарх шаклланиши зарурлиги таъкидланади. Зеро, иқтисодий интеграция вужудга келган муҳитда нарх бўйича ўзаро нисбат тўғри шаклланмаса, даромад тақсимооти мақбул ҳолатга келмайди ва бозорлар ўз-ўзидан алоҳидалашади. Шу боис, мазкур жараён тадқиқ қилиниб, кутилган натижага эришиб бўлмаса, кейинги нисбатан мақбул вариант жорий этилади. Шунинг учун миллий бозорнинг жаҳон иқтисодий тизимга интеграция бўлишида илмий жиҳатдан «Биринчи энг яхши назария» шарт-шароитлари воқеликка айланиши имконсиз бўлса, ўз-ўзидан «Иккинчи энг яхши назария» тарзидаги ёндашув келиб чиқади ва унинг ўзига хос аҳамияти мавжуд. Зеро, жаҳонда юксак иқтисодий тараққиётга ва фаровонликка либерал иқтисодий муносабат ва эркин рақобат асосида эришиш мумкинлиги назарий жиҳатдан асосланган.

Жаҳон амалиётида иқтисодий муносабатларнинг эркин бозор механизми асосида намоён бўлиши «Биринчи энг яхши назария» сифатида талқин қилинади. Бунда индивидуал харажат билан умумий харажатнинг ёки индивидуал манфаат билан умумий манфаатнинг нисбий жиҳатдан тенглашуви келиб чиқади. Лекин, амалий ҳаётда бунга эришишга табиий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий шарт-шароитлар йўл қўймайди. Шу боис, давлатлар турли ижтимоий-иқтисодий мақсадларни инобатга олиб тадбирлар белгилайди. Бу ёндашув тарзи назарий жиҳатдан «Иккинчи энг яхши назария» сифатида талқин қилинади. Шундан келиб чиққан ҳолда миллий иқтисодиётларнинг ўзаро ва жаҳон бозорига интеграция бўлиши борасида «Биринчи энг яхши назария» амалга ошмагач, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти учун мақбул усул сифатида «Иккинчи энг яхши назария»ни жорий этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бу ёндашув халқаро миқёсда иқтисодий интеграциянинг имкон қадар юзага чиқишига ва кутилган натижаларни олинишига шароит яратади. Зеро, иқтисодий интеграция бўлмаса, шу иқтисодий интеграция туфайли эришиладиган фаровонлик ҳам

келиб чиқмасди. Демак, миллий иқтисодиётда тараққиётни таъминлаш ва аҳоли фаровонлигини ошириш мақсадида турли-туман чора-тадбирлар белгиланиши амалий ҳаёт нуқтаи-назаридан табиий қонуният ҳисобланади. Шунинг учун барча иқтисодий муносабатлар ва фаолиятлар сингари жаҳон бозорига фаол иштирок этиш ва самарали интеграция бўлиш, ташқи иқтисодий алоқаларни жадаллаштириш ва хорижий инвестицияларни фаол ўзлаштириш учун зарур иқтисодий сиёсатни амалга ошириш ҳар бир мамлакатнинг устувор вазифаси ҳисобланади. Ушбу жараён миллий иқтисодиётнинг жаҳон бозорига интеграциясининг чуқурлашувига ва янги тенденциялар бўйича ривожланиб боришига олиб келади. Мазкур ўзгаришлар асосида юзага чиққан жараёндаги чуқурлашувнинг хусусиятига кўра савдо муносабатлари, молия бозори ҳамда миллий ишлаб чиқаришнинг иқтисодий жиҳатдан интеграцияси сифатида талқин қилиниши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январь ПФ-60-сон Фармони //Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 18.03.2022 й., 06/22/89/0227-сон.
2. Sodikov Z.R. Globallashuv sharoitida tashqi savdoning rivojlanish tendensiyasi. Monografiya. – Тошкент: Complex print, 2020. – 88 б.
3. Тухлиев Н. Жаҳон иқтисодиёти ривожланишида янги трендлар: монография. – Тошкент: Илм-Зиё-Заковат, 2021. – 72 б.
4. Seyidog'lu H. Uluslararası iktisat. Darslik. – Istanbul: Guzem Can Yayinlari, 2012. – 820 s.
5. Paul R. Krugman, Maurice Obstfeld, and Marc J. Melitz. International economics: theory & policy/USA. Permissions Department, 501 Boylston Street, Suite 900, Boston, MA 02116, 2012.
6. Salvatore D. International Economics. – London: Prentice-Hall, 2020.